



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 28 » июль

№ 455

Toshkent sh.

Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли соҳасидаги айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

“Курол тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик, шунингдек, фуқаровий қурол ва хизмат қуролини, уларнинг ўқ-дориларини, ҳамда тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш, фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофик;

Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. “Ўзстандарт” агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаментига ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28” июл даги 455сон қарорига
1-илова

**Фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини,
шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни
сертификатлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш (кейинги ўринларда – сертификатлаш) тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талағор – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни (кейинги ўринларда – қурол ва ўқ-дорилар) сертификатлашни сўраб мурожаат қилувчи, маҳсус органлар ва ҳарбий қисмлар, юридик шахслар (маҳсус хизмат вазифалари билан шуғулланувчи, қурол ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи, сотиш фаолияти билан шуғулланувчи, ов ва ўқ отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи, қуролни коллекциялаш ёки кўргазмаси билан шуғулланувчи) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ўқ-дори тури – отиш учун мўлжалланган қурол тури билан тавсифланадиган (силлик стволли ўқотар, сойли ўқотар, газли, сигналли ва бошқалар), товар белгиси туширилган, калибр, гилза узунлиги, тури, улоктириладиган таркибий қисимлари материали, ўқ тури билан тавсифланувчи ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқариладиган ўқ-дори тузилиши;

ўқ-дори турининг модификацияси – ўқ-дори тамғасида фаркли белгисига эга бўлган, тузилишини қатъий ўзгартирмайдиган, бироқ техник талабларга мувофиқлиги ва ишлаш хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўзгаришлар билан тавсифланувчи ўқ-дори тури;

ўқ-дорилар тамғаси – ўқ-дориларнинг идентификациясини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи томонидан ўқ-дорилар ва уларнинг қадогига туширилган шартли белгилар (ҳарфлар, сўзлар, рақамлар, геометрик шакллар ва ихтиёрий тасвирлар) мажмуи;

ўқ-дорилар тўпи (партияси) – бир хил турдаги порохдан, бир хил массали ўқлар ва сочма ўқлардан ва бир хил моделдаги пистондан фойдаланган ҳолда, битта ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва тайёрланган бир хил турдаги ўқ-дорилар;

қурол русуми – аниқ маҳсулотга хос бўлган, аниқ ишлаб чиқарувчи томондан ишлаб чиқариладиган ва тамғага эга бўлган аниқ таркибий қисмлар ва компонентлар (механизмлар) мажмуи билан тавсифланадиган қурол тузилиши;

қурол русумининг модификацияси – қурол тамғасида кўрсатиладиган ажралиб турувчи индексга (ҳарф ва/ёки ракам) ёки калибр белгисига эга бўлган, тузилишини катъий ўзгартирмайдиган, лекин мустаҳкамлигига, ишлаш хавфсизлигига ва қурол русумининг техник талабларга мувофиқлигига таъсир кўрсатадиган қурол русумининг таркибий қисмлари ва компонентларига ҳар қандай киритилган ўзгартириш, шу жумладан калибр ўзгаришини қўшиш билан тавсифланадиган русум тури;

қурол русумининг бажарилиши (қурол русумининг модификациясини бажарилиши) – мустаҳкамлик, ишлаш хавфсизлиги ва қурол русумини техник талабларга мувофиқлигига таъсир кўрсатмайдиган таркибий қисмларнинг дастлабки тўпламига киритиладиган ўзгартиришлар билан фарқ қилувчи қурол русуми тури. Қурол русуми бажарилишини фарқ қилувчи индекси қурол тамғасига ва (ёки) унга илова қилинадиган ҳужжатга туширилади;

қуроллар тўпи (партияси) – сертификатлаш учун мўлжалланган аниқ вақт интервали давомида бир хил шароитда битта ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган бир номдаги ва бир хил тамғали қурол бирлиги мажмуи.

2-боб. Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш тартиби

3. Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон карори билан тасдиқланган Махсулотларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, шунингдек, мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Қурол ва ўқ-дорларни сертификатлаш Ўзбекистон Республикаси худудида уларнинг муомалада хавфсиз бўлишини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган сертификатлаш органлари (кейинги ўринларда – сертификатлаш органлари) томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ва ёзма тарзда хабардор қилиш, шунингдек, қурол ва ўқ-дориларнинг тавсифларини техник талабларга мувофиқлигини таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш талабгорнинг сертификатлаштириш органига ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича тақдим этилган аризасига асосан амалга оширилади.

Сертификатланадиган қурол ва ўқ-дориларнинг ҳар бири муайян турдаги қурол ва ўқ-дориларга тааллукли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ тамғага эга бўлиши керак.

4. Сертификатлашда курол ва ўқ-дориларнинг хусусиятлари текширилади ҳамда курол ва ўқ-дориларни идентификация қилиш имконини берувчи синов усуллари қўлланилади. Бунда:

курол русумлари (курол русумининг модификацияси), ўқ-дори тури (ўқ-дори турининг модификацияси);

Ўзбекистон Республикаси худудида курол ва ўқ-дориларни кўплаб ишлаб чиқариш;

курол ва ўқ-дориларнинг тўпи (партияси);

куролнинг ягона намунаси сертификатланади.

5. Курол русумига расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати курол русумининг бажарилишига қўшимча сертификатлаштириш синовларисиз тааллуқли ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарувчи курол русумига ўзгартиришлар киритилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда курол русумини сертификатлаган органга тегишли ўзгартиришлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

6. Курол модели ва ўқ-дори турларининг янги намуналари ишлаб чиқилганда, серияли ишлаб чиқарилганда, шунингдек, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган курол ва ўқ-дорилар Ўзбекистон Республикаси худудига илк бор олиб кирилганда ишлаш чидамлилиги ва хавфсизлиги ҳамда техник талабларга мувофиқлиги бўйича синов турларини ўз ичига олган ҳолда сертификатлаш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва экспортга мўлжалланган курол ва ўқ-дорилар экспорт қилинаётган давлатнинг талабларига мос келадиган техник шартларга асосан сертификатланганда, уларнинг ишлаши ва хавфсизлиги бўйича синовлар ўтказилади.

Курол русумини ва ўқ-дори турини сертификатлашда ҳар бир курол русуми (курол русумининг модификацияси), ўқ-дори тури (ўқ-дори турининг модификацияси) учун алоҳида мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади.

Курол русуми (ўқ-дори тури) ва (ёки) унинг модификацияси бир вақтнинг ўзида сертификатлаш учун тақдим этилган тақдирда, битта сертификатни расмийлаштиришга рухсат этилмайди.

Турли ишлаб чиқарувчилар томонидан айнан бир турдаги курол русуми (курол русумининг модификацияси), ўқ-дори тури (ўқ-дори турининг модификацияси) ишлаб чиқарилганда, сертификатлаш ишлари ҳар бир ишлаб чиқарувчи учун алоҳида амалга оширилади.

7. Курол ва ўқ-дориларнинг серияли ишлаб чиқарилишини сертификатлашда курол русуми (курол русумининг модификацияси)ни, ўқ-дори тури (ўқ-дори турининг модификацияси)ни синаш билан бир қаторда, курол ва ўқ-дориларни ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларнинг мавжудлик ҳолати ўрганилади.

8. Қуролнинг битта намунасини, қурол ва ўқ-дорилар тўпламини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда, қурол модели ва ўқ-дори турига қараб сертификатлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

мустаҳкамлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги бўйича синовларни;
тиббий-биологик ва кимёвий талабларга мувофиқлигини текширишни;
сертификатлаш органларида идентификация қилишни.

Кейинчалик олиб кириш мақсадида совуқ ва улоқтириш қуролларининг тўпини сертификатлашда ушбу қуролларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган техник талабларга мувофиқлиги текширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган қурол ҳужжатлари (фойдаланиш йўриқномаси ва паспорти) асл тилдаги нусхаси ва асл тилдаги нусхаси билан бир хил бўлган давлат тилидаги (лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси қўлланган) таржимаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади ҳамда ишлаб чиқарувчилари, асосий техник тавсифлари, фойдаланиш қоидалари ва саклаш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттириш шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган ўқ-дориларни хавфсиз айланмасига тааллукли бўлган ҳамда ўқ-дориларнинг дастлабки қадоклаш ёрлиқларига тушириладиган тамғаси ва маълумотлари асл тилдаги нусхаси ва асл тилдаги нусхаси билан бир хил бўлган давлат тилидаги (лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси қўлланган) таржимаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

10. Сертификатлаш ишлари шартномага асосан тўлов амалга оширилгандан сўнг бажарилади. Сертификатлаш ишлари билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг натижаларидан қатъи назар, талабгор томонидан қопланади.

11. Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш органларини ва синов лабораторияларини аккредитация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги “Аkkредитация маркази” ДУК томонидан амалга оширилади.

Синов лабораториялари қурол ва ўқ-дорилар синовларини ўтказади ҳамда сертификатлаш мақсадлари учун синов баённомаларини расмийлаштиради.

12. Қурол ва ўқ-дорилар сертификатлаш органлари томонидан сертификатланади.

Сертификатлаш мақсадида синовлар белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораторияларида (марказларида) (кейинги ўринларда – синов лабораториялар) ўтказилади.

13. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

қурол ва ўқ-дориларини сертификатлаш ишларини ташкил этади;

қурол ва ўқ-дориларни сертификатлашда тасдиқланадиган кўрсаткичлар номенклатурасини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан биргаликда Давлат қурол кадастрига киритиладиган қурол ва ўқ-дориларнинг асосий техник хусусиятлари номенклатурасини белгилайди.

14. Сертификатлаш жараёнида келиб чиқадиган низолар икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги низоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги вакилларини Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига жалб қилиши мумкин.

15. Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлашда қўлланиладиган чизмалар текширишлар ҳажмига қараб, сертификатлаш чизмасининг мураккаблиги, маҳсулотнинг хавфсизлик даражасига боғлиқ ҳолда сертификатлаш органлари томонидан белгиланади.

Ҳар бир муйян ҳолатда сертификатлаш органи талабгорнинг таклифини, етказиб бериладиган қурол ва ўқ-дориларнинг ҳажми ва муддатини, синаш усусларини, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва унинг барқарорлигининг бузилиш хавфи мавжудлигини, шунингдек, мазкур қурол ва ўқ-дориларнинг потенциал хавфини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаш чизмасини танлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш, бир хил қоидалар бўйича ўтказилади.

Қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш қуидаги жараёнларни ўз ичига олади:

талабгорнинг сертификатлашга ариза бериши;

сертификатлаш ишларининг бажарилиши юзасидан шартнома расмийлаштириш;

сертификатлаш учун келиб тушган ариза бўйича ишларни бошлаш юзасидан қарор кабул қилиш, шу жумладан сертификатлаш чизмасини белгилаш;

синаш учун намуна танлаш, идентификация қилиш, шунингдек, уларнинг синовларини ўтказиш;

ишлаб чиқариш ҳолатини ўрганиш ёки сифатни бошқариш тизимлари сертификатланганини текшириш (агар сертификатлаш чизмасида назарда тутилган бўлса);

олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мувофиқлик сертификатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мувофиқлик сертификатини бериш;

сертификатланган курол ва ўқ-дорилар бўйича инспекция назоратини ўтказиш (агар сертификатлаш чизмасида назарда тутилган бўлса);

курол ва ўқ-дориларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги бузилганда ва мувофиқлик белгиси нотўғри қўлланилганида, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш;

мувофиқликни баҳолаш натижалари тўғрисида маълумотларни юритиш ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига киритиб бориши.

17. Талабгор томонидан курол ва ўқ-дориларни сертификатлаш учун берилган аризага қўйидаги қўшимча маълумотлар илова қилинади:

а) Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган курол ва ўқ-дорилар учун:

куролнинг паспорти;

куролни йиғиш чизмаси (йиғилиш схемаси);

фойдаланиш йўриқномаси;

б) Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ишлаб чиқарилган курол ва ўқ-дорилар учун:

куролнинг паспортининг (фойдаланиш йўриқномасининг) асл тилидаги нусхаси ва асл тилдаги нусхаси билан бир хил бўлган давлат тилидаги (лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси қўлланган) таржимаси;

курол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқарувчининг курол ва ўқ-дорилар сифатини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ва сертификатлаш ўтказилган давлатнинг мувофиқлик сертификатларининг асл тилидаги нусхаси ва уни асл тилдаги нусхаси билан бир хил бўлган давлат тилидаги (лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси қўлланган) таржимаси;

курол ва ўқ-дориларини сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

битим (шартнома), юкларни кузатиб бориш ҳужжатлари.

18. Курол ва ўқ-дориларни синаш учун синов лабораториялари мавжуд бўлмаганда, уларни сертификатлаш ишлари ишлаб чиқарувчининг назорат тамгаларини ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини эътироф этиш йўли билан амалга оширилади.

19. Курол ва ўқ-дориларни идентификация қилишда ва уларнинг синовлари салбий натижалар берганда, сертификатлаш органи талабгорга мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қонуний асосларни аник кўрсатган холда тақдим этади ва бу ҳақда уч иш кунидан ошмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини, Ички ишлар вазирлигини, Мудофаа саноати давлат қўмитасини ва Давлат божхона қўмитасини хабардор қиласи.

20. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаш органидан мазкур Низомда назарда тутилган барча зарур хужжатлар олинган вактдан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Мувофиқлик сертификати:

чет элдан олиб келинаётган қурол ва ўқ-дорилар тўпламига уларнинг яроқлилик муддатига, яроқлилик муддати бўлмаган қурол ва ўқ-дориларга эса – муддати кўрсатилмасдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қурол ва ўқ-дорилар тўпламига уларнинг яроқлилик муддатига, яроқлилик муддати бўлмаган қурол ва ўқ-дориларга эса – муддати кўрсатилмасдан берилади.

Ўзбекистон Республикасида қурол ва ўқ-дориларни серияли ишлаб чиқариш учун – уч йил муддатга берилади.

21. Сертификатлашнинг умумий муддати қурол ва ўқ-дорини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларида белгиланган синов усусларига мувофиқ ўтказиладиган синовлар давомийлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

22. Мувофиқлик сертификатига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишга йўл қўйилмайди.

23. Қурол ва ўқ-дориларга берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

24. Берилган, тўхтатиб қўйилган, бекор қилинган ва мувофиқлик сертификатини беришда рад этилган мувофиқликни баҳолаш натижалари ҳисоби сертификатлаш органи томонидан юритилади ҳамда ҳар ойда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига тақдим этиб борилади.

25. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, заруратга кўра, сертификатлаш органидан қурол ва ўқ-дориларга расмийлаштирилган мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича хужжатлар тўпламини талаб қилиши мумкин.

26. Мувофиқлик сертификатида келтирилган маълумотларнинг аниқлиги, белгиланган муддатларни ва сертификатлаш қоидаларининг бузилиши бўйича жавобгарлик сертификатлаш органига юкланди.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фуқаровий қурол ва хизмат куролини ҳамда уларнинг
ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга
ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

**Фуқаровий қурол ва хизмат қуролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини,
шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни
сертификатлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Талабгор	Фуқаровий қурол ва хизмат куролини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини, шунингдек, тузилиши жиҳатдан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни (кейинги ўринларда – қурол ва ўқ-дорилар) сертификатлашга ариза тақдим этади.	зарурат бўлгандага
2-bosqich	Сертификатлаш органи	Аризани кўриб чиқиб, сертификатлаш ишларини ўтказиш бўйича қарор қабул қиласди ёки талабгорга асослантирилган радијавобини беради.	2 иш куни давомида
3-bosqich	Сертификатлаш органи	Синов ва сертификатлаш ишларини ўтказиш бўйича шартнома расмийлаштиради.	қарор қабул қилинган кунда
4-bosqich	Талабгор	Синов ва сертификатлаш ишларини ўтказиш учун расмийлаштирилган шартнома бўйича тўловларни амалга оширади.	шартномада белгиланган муддатларда
5-bosqich	Сертификатлаш органи	Қурол ва ўқ-дориларидан намуна танлайди, идентификация қиласди ва синов лабораториясига топширади.	тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 2 иш куни давомида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
6-bosqich	Сертификатлаш органи	Ишлаб чиқариш шароитларини ўрганади.	зарурат бўлганда
7-bosqich	Синов лабораторияси	Курол ва ўқ-дориларининг синовларини ўтказади.	техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган муддатларда
8-bosqich	Сертификатлаш органи	Хужжатлар тўпламини таҳлил киласи, сертификатлаштириш бўйича тегишли қарор қабул киласи ва мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради ёки асосланган рад жавобини беради.	3 иш куни давомида

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28, июл даги 455-сон қарорига
2-илова

**Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари
давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш
тартибини белгилаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари давлат кадастрини (кейинги ўринларда – Қурол кадастри) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Қурол кадастрининг обьекти – сертификатлашнинг ижобий натижаларига эга бўлган фуқаровий қурол ва хизмат қуроли (кейинги ўринларда – қурол) ҳамда уларнинг ўқ-дорилари ҳисобланади.

Қурол кадастрига тифли совук қурол ва улоқтириш қуроли тўғрисидаги, ягона нусхалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиладиган қурол ҳақидаги маълумотлар киритилмайди.

Қурол ва унинг ўқ-дорилари тўғрисидаги маълумотлар Қурол кадастрига киритилганлиги учун талабгордан тўлов ундирилмайди.

2-боб. Қурол кадастрини юритиш ва нашр этиш тартиби

3. Қурол кадастри Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан электрон тарзда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда ҳамда 2-иловага мувофиқ схема бўйича юритилади.

4. Қурол кадастри қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:
хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари;
фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дорилари;
Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қурол ва ўқ-дорилар;
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган қурол ва ўқ-дорилар;
экспорт учун ишлаб чиқарилган қурол ва ўқ-дорилар;
технологик мақсадларда (синовлар, текширувлар ёки қурол ишлаб чиқариш жараёнида) ишлатиш учун ўқ-дорилар.

5. Қурол кадастрига қурол ва ўқ-дорилар тўғрисида қўйидаги маълумотлар киритилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган қурол ва ўқ-дорилар учун:

қурол (ўқ-дорилар) русумининг номи ва белгиланиши ҳамда уларга ишлатиладиган ўқ-дорилар (қурол) калибри;

курол ва ўқ-дориларнинг асосий техник тавсифлари;
ишлиб чиқувчи (лойиҳалаштирувчи) ва ишлиб чиқарувчининг номи;
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжат белгиси;
намунанинг рангли сурати;
расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати тўғрисидаги маълумот.

б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлиб чиқарилган қурол ва ўқ-дорилар учун:

курол (ўқ-дорилар) русумининг номи ва белгиланиши ҳамда уларга ишлатиладиган ўқ-дорилар (курол) калибри;

курол ва ўқ-дориларнинг асосий техник тавсифлари;
курол ва ўқ-дориларни ишлиб чиқарувчи ташкилот ва мамлакат номи;
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжат белгиси;
намунанинг рангли сурати;
расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати тўғрисида маълумот.

Қурол кадастрига киритиладиган қурол ва ўқ-дориларнинг асосий техник тавсифлари номенклатуроси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар билан белгиланади.

6. Курол ва ўқ-дорилар тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигига Қурол кадастрига киритилади.

Қурол ва ўқ-дориларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун техник талаблар, тамғалаш, қадоқлаш қоидалари ва синов усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланади.

7. Аккредитация қилинган сертификатлаш органи томонидан сертификатланган қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш натижалари бўйича қурол русумига (ўқ-дори тури) тааллукли хужжатлар юритилади ва доимий равишда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5 санасига қадар Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига маълумот киритиб борилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги чоракда бир марта Қурол кадастрига Ўзбекистон Республикасида янги қурол русумларини ишлиб чиқариш ёки олиб кириш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боради. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Маълумотлар мазкур Низомнинг 4-бандига асосан Қурол кадастрига киритилади ва қурол русумига (ўқ-дори турига) рўйхатга олиш рақами берилади.

8. Қурол русуми (ўқ-дори тури)нинг Ўзбекистон Республикасида худудида муомалага чиқарилиши тақиқланган тақдирда, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Қурол кадастрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Қурол қадастридан чиқарилган қурол русумларининг (ўқ-дори турлари) рўйхатга олиш рақамлари иккиламчи қўлланилмайди.

9. Қурол кадастри Давлат кадастрлари ягона тизими таркибига киради ва ҳар чоракда бир марта Давлат кадастрлари ягона тизимига кадастр маълумотлари тақдим этилади.

3-боб. Яқуновчи қоидалар

10. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Қурол кадастрида келтирилган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

11. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг
ўқ-дорилари давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш
тартибини белгилаш тўғрисида низомга
2-илова

**Фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари
давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Сертификатлаш органи	Сертификатланган қурол ва ўқ-дориларни сертификатлаш натижалари бўйича қурол русумига (ўқ-дори тури) тааллукли ҳужжатларни электрон шаклда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига тақдим этади.	хар ойда, кейинги ойнинг 5 санасига қадар
2-босқич	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	Сертификатлашнинг ижобий натижаларига эга бўлган фуқаровий қурол ва хизмат қуроли ҳамда уларнинг ўқ-дорилари тўғрисида маълумотларни Курол кадастрига киритади.	хар чоракда бир марта
3-босқич	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	Давлат кадастрлари ягона тизимида кадастр маълумотларини тақдим этади.	хар чоракда бир марта

